

## II. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**2.1.** Истеъмолчи Таъминотчи рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган ҳолатларда, ўз тасарруфидаги ичимлик ва оқова сув тармоқларига, иншоот ва қурилмаларга субистеъмолчиларнинг уланишига рухсат бериш ҳуқуқига эга.

**2.2.** Истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар Таъминотчи томонидан кўриб чиқилмайди.

**2.3.** Агар Истеъмолчи ва унга уланган субистеъмолчи турли гуруҳ истеъмолчиларига мансуб бўлса, Таъминотчи билан шартномани Истеъмолчи ҳам, субистеъмолчи ҳам тузади ва сувни ҳисобга олиш асбобини ўрнатиш ҳар иккаласи учун ҳам мажбурий ҳисобланади.

Истеъмолчи (субистеъмолчи)га берилган ичимлик сув ҳажми учун тўловлар Таъминотчига, уларнинг сувни ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари бўйича ва улар мансуб бўлган гуруҳ учун белгиланган тарифлар асосида тўланади.

Таъминотчи билан шартнома тузган Истеъмолчи ўзи мансуб гуруҳдаги субистеъмолчиларга уланган бўлса, субистеъмолчиларга етказиб берилган сув ва чиқарилган оқова сув хизматлари учун тўловлар асосий истеъмолчи билан, у мансуб бўлган гуруҳ учун белгиланган тарифлар асосида амалга оширилади.

Ўз навбатида, Истеъмолчи, ўзи ишлатган сув учун Таъминотчига амалдаги тарифлар асосида тўловларни амалга оширишда субистеъмолчиларга етказиб берилган сув ҳажмларини ҳам инобатга олган ҳолда ҳисоб-китоб қилади.

**2.4.** Ичимлик сувдан дов-дарахтларни суғориш учун фойдаланилишига қуйидаги истисно ҳолатларда:

а) ирригация суви бўлмаганда;

б) таъминотчи ташкилоти қуввати мавжуд бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича, фақат тунги вақтда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл қўйилади.

**2.5.** Ичимлик ва оқова сув хизматидан Истеъмолчи хўжалик-истеъмол, маиший эҳтиёж ва ёнғинларни ўчириш ҳамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланади.

**2.6.** Сувни ҳисобга олиш асбоби Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги томонидан текширилган ва тамғаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув таъминотчи ташкилот томонидан пломбаланиши шарт. Шунингдек, ичимлик ва оқова сувини ҳисобга олиш асбобини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби қонунчиликда ўрнатилган тартиб ва қоидаларга асосан амалга оширилади.

**2.7.** Истеъмолчига ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш асбобининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ҳамда Истеъмолчи билан келишилади.

Истеъмолчида сувни ҳисобга олиш асбобининг ишлаши назорат қилинганда, ўлчовларнинг техник тавсифномасида йўл қўйиладиган минимал чегарадан кам миқдорда сув истеъмол қилинган тақдирда Таъминотчи сув ўлчаш узелини амалда сарфланаётган сув ҳажмига мос, кичикроқ диаметрдаги асбобга (берилган кундан кейинги 30 календарь кун ичида) қайта жиҳозлашга кўрсатма беради. Бу кўрсатма бажарилмаган тақдирда сувдан фойдаланиш ва оқова сувларни чиқариш учун тўловлар Қоидаларнинг 87-бандининг “б” кичик бандига мувофиқ амалга оширилади.

**2.8.** Ичимлик ва оқова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш асбобларини ишга тушириш, алмаштириш, янги субистеъмолчиларининг уланиши Истеъмолчи томонидан фақат Таъминотчи тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар Истеъмолчининг сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. Таъминотчидан олинган техник шартлар Истеъмолчи буюртмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

**2.9.** Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши Таъминотчи томонидан, Истеъмолчи ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.